**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ**
**ОЛИЙ МАКТАБИ**

**ШАВКАТ УМАРОВ**

# Мусиқа чолғуларини ўрганиш

(Қашқар рубоби)

(5151300-Хореография (турлари бўйича), 5150200-Санъатшунослик (турлари бўйича) ва 5111000-Касбий таълим (5151300 Педагог-хореограф) таълим йўналишлари бўйича ўқув қўлланма

**Тошкент 2018**

**Тошкент давлат миллий рақс ва хореография Олий мактаби Илмий кенгашининг 2018 йил апрелдаги йиғилишида ( 9- сонли баённома) нашрга тавсия этилган.**

**Масъул муҳаррир:**

М.Ғофуров – Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби Ўқув ва илмий ишлар бўйича проректори, доцент

**Тақризчилар:**

Б.Азимов – Ўзбекистон давлат консерваторияси “Халқ чолғуларида ижрочилик” кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди

Н.Алимджанова – Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби “Санъат назарияси ва тарихи” кафедраси катта ўқитувчиси

Мазкур ўқув қўлланма 5151300-Хореография (турлари бўйича), 5150200-Санъатшунослик (турлари бўйича) ва 5111000-Касбий таълим (5151300 Педагог-хореограф) таълим йўналишлари бўйича “Мусиқа чолғуларини ўрганиш” фанидан тайёрланган.

Ўқув қўлланмада мусиқа ва унинг ўзига хос хусусиятлари, унинг маданий тараққиётдаги ўрни, мусиқа чолғулари тарихи, қашқар рубобининг тузилиши, қашқар рубобни тўғри ушлаш ва унда ижро этиш йўллари, ижро имкониятлари, услубий кўрсатмалар ҳамда ижро учун мўлжалланган асарларнинг нота матнлари келтирилган.

Ушбу ўқув қўлланмадан мусиқа, маданият ва санъат йўналишидаги таълим муассасалари талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин.

# КИРИШ

Мустақиллик шарофати билан миллий қадриятларимиз тикланиб, ўзлигимизни намоён этадиган миллий мусиқий меросимизга катта эътибор берила бошланди. Халқимиз тарихи, ўтмиши, қадриятлари ва маданий меросимизга муносабат ўзгарди. Жамият аъзоларини тарбиялаш ва азалий қадриятларимизни тиклаш, ёшлар онгида миллий мафкурани шакллантириш борасида миллий мусиқа меросимиздан кенг фойдаланиш муҳим вазифалардан бирига айланди. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида жамиятни янгилаш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар қаторида маданиятни юксалтиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Халқимизнинг маънавий қадриятларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уларни асраб-авайлаш ва келгуси авлодга етказиш, илмий-маданий меросимизни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ҳар қандай профессионал ижодиётнинг асосида албатта ҳаваскорлик ижодиёти ётади. Бу ҳақиқат доимо ўз исботини топиб келган ва топмоқда. Санъатнинг қай бир соҳасида бўлмасин, юксак мавқега эришган шахсларга уларнинг бу йўлни танлашига сабаб бўлган нарса нима эканлиги тўғрисида савол берилса, албатта биринчи навбатда шу соҳага бўлган қизиқиш ва ҳавас эканлигини эътироф этадилар. Мусиқа соҳасида ҳам бу ҳолат ўз аксини топган. Ижодкор хоҳ ижрочи бўлсин, хоҳ яратувчи бўлсин уларнинг дастлабки ижодий қадамлари ҳаваскорликдан бошланганлигини кузатиш мумкин.

Шунингдек, профессионал мусиқа ижрочилиги ҳам мусиқаси ва қўшиқлари билан боғлиқ ҳолда ривожланади. Зеро, халқ мусиқаси доимий равишда муҳим ижод манбаи бўлиб хизмат қилиб келган. Ўзининг ижоди билан дунёга машҳур бўлган композиторлар орасида бирорта ҳам композитор йўққи, ўз ижодида халқ мусиқасига мурожаат этмаган ёки ундан илҳомланмаган бўлса. Қолаверса, ҳар бир ижодкорни дунёга танитадиган энг машҳур асар ҳам бирор халқда оммалашган мусиқаси ёки қўшиғи билан боғлиқ бўлади.

Мусиқа маданияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида қуйидаги фикрларни билдирган: “Барчамизга аёнки, куй-қўшиққа, санъатга муҳаббат, мусиқа маданияти халқимизда болаликдан бошлаб, оила шароитида шаклланади. Уйида дутор, доира ёки бошқа чолғу бўлмаган, мусиқанинг ҳаётбахш таъсирини ўз ҳаётида сезмасдан яшайдиган одамни бизнинг юртимизда топиш қийин, десак муболаға бўлмайди.

Энг муҳими, бугунги кунда мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда”.

“Агар инсоннинг қулоғи енгил-елпи, тумтароқ оҳангларга ўрганиб қолса, бора-бора унинг бадиий диди, мусиқа маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий оламини сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳам ҳеч гап эмас. Охир-оқибатда бундай одам “Шашмақом” сингари миллий меросимизнинг ноёб дурдоналарини ҳам қабул қилиши қийин бўлади.”[1]

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”[2] мамлакатимиз тараққиёти учун дастуруламал бўлмоқда. Мазкур ҳужжатнинг тўртинчи устувор йўналишида маданият ва санъат соҳаларини янада тараққий эттириш, бешинчи устувор йўналишида эса жамиятни турли маданий таҳдидлардан муҳофаза қилиш вазифалари белгилаб қўйилган.

Маданият ва санъат, жумладан мусиқа санъати тараққиёти асослари Ҳаракатлар стратегиясининг негизи сифатида қабул қилингани соҳа вакиллари зиммасига кўпгина вазифалар белгилаганини кўрсатади.

Бу фикрлардан кўриниб турибдики, биз бугунги кун ёшларига жаҳон мусиқа маданиятини ўргатиш билан бир қаторда асосий эътиборни миллий мусиқа меросимиз, анъаналаримизни ўзлаштиришга қаратмоғимиз лозим.

---

[1] И. Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч”. Т.: Маънавият, 2008. Б.141-143.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.- 2017 йил. 6-сон. 26-бет.

# 1-БОБ. МУСИҚА ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

## Маданий тараққиётда мусиқанинг ўрни

Халқнинг ҳаёти бешикдан қабрга қадар мусиқа билан йўғрилади. Инсоният яралибдики, ўз умрини мусиқасиз тасаввур эта олмайди. Мусиқа аввало она алласи орқали онгимиз ва шууримизга сингади. Қўшиқларга жо бўлган оҳанглар орқали инсон характерида содиқлик, меҳр-оқибат каби кўплаб умуминсоний хислатлар шаклланиб боради. Шу сабабли мусиқа санъати жуда қадим замонлардан халқ маиший турмушида кўмакчи бўлиб, маънавий дунёсини бойитиб келди. Мусиқа санъати кўп асрлик маданиятимизнинг, умуминсоний қадриятларимизнинг ажралмас таркибий қисмидир. Мусиқанинг айниқса инсоннинг ахлоқий ва эстетик дидини шакллантириш, ҳиссий туйғуларини ривожлантириш, ижодий қобилиятларини рағбатлантириш воситаси сифатида муҳимдир.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.А.Каримов айтганидек: “Албатта ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари ҳаётий қадриятларидан айрим ҳолда тассавур этиб бўлмайди. Бу борада табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омилларидан бири бўлиб хизмат қилади” [1,29-30].

Мусиқа маданияти қадимий ва рангоранг, айни пайтда янги замон анъаналарини ўзида мужассам этган ҳолда ривож топмоқда. Бунда аввало халқ мусиқаси, мумтоз мусиқий мерос, миллий бетакрорлик, шунингдек халқ бадиий ижодиёти каби шаклан ва услубан ниҳоятда сержило жабҳалар намоён бўлади. Эътироф қилмоқ лозимки, мусиқа маданияти ва санъатида ҳам чин маънода ҳаётбахш ўзгаришлар рўй бера бошлади. Хусусан, миллий мусиқа меросимизга алоҳида диққат эътибор берилар экан, уларни муттасил тараққий эттириш мақсадидаги янгиланиш ислоҳ этиш жараёнлари бош ўринни эгаллайди. Халқимизнинг бебаҳо маънавият дурдонаси бўлмиш санъат ва адабиёт асарлари кўп минг йиллардан бери инсонларни эзгулик ва нафосат олами

меваларидан баҳраманд этиб келмоқда. Кишилик жамиятини тараққий этганлик даражаси мамлакатда адабиёт ва санъатнинг қай даражада камол топганлиги билан белгиланади. Бинобарин, мустақиллик маънавий баркамол инсонни вояга етказиш ва тарбиялашни асосий масала қилиб қўяр экан, маънавий-маданий жараённи амалга ошириш муаммоларини тадқиқ этиш ниҳоятда долзарбдир. Қудратли кучга эга бўлган мусиқа ўз жозибаси билан инсон қалбини қамраб олади. Шу боисдан мусиқани халқнинг, миллатнинг қалби деб бежизга айтилмайди.

Мусиқа таъсирчан кучга эга бўлиб, тарбия воситаси, инсон руҳиятига ҳаётбахш куч бера оладиган жон озиғидир. У кишиларнинг завқланиши, мароқли дам олиши, таскин топиши, фикрлаши, фалсафий мушоҳада қилиши учун ёрдам беради. Демак, мусиқа фақат бадиий ижод, санъат тури бўлиб қолмасдан, балки маънавий маданиятнинг муҳим бир қисми сифатида ҳам ўрганилиши лозим. Мусиқа маданиятимизда соф маънодаги муаллим-устознинг ўзи, айни пайтда у ҳам мураббий, ҳам созандалик санъатини ўзида мужассамлаштирган восита ҳисобланади. Шу туфайли ўргатиш жараёнининг ўзига хос сиру асрорини билмай туриб, бу анъананинг хусусиятларини тўлалигича англаб ололмаймиз.

## Мусиқа чолғулари тарихи

Миллий мусиқа меросимиз, жумладан миллий чолғу ижрочилигимиз тарихи ҳам эрамиздан олдинги даврга бориб тақалади. Халқимиз ва миллатимизнинг барча ривожланиши даврида қўшиқ билан бир қаторда дутор, танбур, доира, уд, ғижжак, қонун, қашқар рубоби каби миллий чолғу созларимиз қалб қўрига, кўнгил давоси сифатида бебаҳо маънавий озуқа бўлиб хизмат қилган.

Ўзбек миллий чолғучилик санъати тарихини кўздан кечирар эканмиз унинг саҳифалари нақадар қадимий ва ранг-баранглигининг гувоҳи бўламиз. Айни пайтда у жуда сермазмун эканлигини англашимиз мумкин. Зеро, диёримизда тарбияланиб вояга етган буюк аждодларимиз Абу Наср ал-Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Ал-Беруний, Умар Ҳайём, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби алломалар нафақат Марказий Осиё халқлари мусиқа маданияти, балки жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган алломалардир. Ўзбек мусиқа маданияти билан бевосита шуғулланган кўпгина олимлар чолғучилик санъати тарихига оид турли фикрларни билдирганлар. Нима бўлганда ҳам бугун айтишимиз лозимки, Марказий Осиё ҳудудида, хусусан Ўзбекистонда чолғуларнинг турфа хиллари ва созандалик санъати бизга энг қадимий меросдир.

Узоқ ўтмишда дастлаб урма зарбли халқ чолғулари пайдо бўлган. Чунки энг қадимги меҳнат қўшиқлари ишнинг ритмик тузилиши билан бевосита боғлиқ. Кейинчалик шовқинли чолғулар пайдо бўлган. Ижрочилар қарсак чалиб ритмни таъкидлаганлар. Ижрочи аёлларнинг чапак зарблари ўзига хос, такрорланмас, гўзал ҳолатни вужудга келтирар эди. Кейинроқ халқ усталари томонидан қамиш ёки бамбук поясидан сурнай, ҳуштак ва ниҳоят найлар ясалди. Вақт ўтиши билан у чолғулар янада такомиллашди. Кейинчалик торли музроб ва торли камонлик мусиқа чолғулари пайдо бўлди. Улардан сарой аёнларининг маросимларида, ҳарбий юришларда фойдаланилди.

Қулдорлик тузуми даврида Мароқанд, Нисо, Тупроққалъа, Термиз ва бошқа шаҳарлар мавжуд эди. Ушбу шаҳарлар ҳудудида олиб борилган қазилма ишлари чоғида турли чолғуларнинг тасвирлари акс этган бадиий ҳунармандчилик буюмлари топилди. Қулдорчилик жамияти Ўрта Осиё халқлари маданияти ривожида муҳим босқич бўлди. Халқ мусиқаси янада юксалиш билан биргаликда чолғулар ҳам такомиллашди.

Халқ чолғулари Ўрта Осиё аҳолисининг турмуши ва меҳнат фаолиятига сингиб, инсон фаолиятининг ажралмас таркибий қисмига айланди. Чолғулар жўрлигида қўшиқ, ўйин ва куйлар халқнинг катта – катта маросимлари ва оилавий байрамларида ижро этилгани бизга маълум, байрамлар кўпроқ йил фасллари билан боғлиқ бўлган. Байрамларда, маданий маросимларда карнай, сурнай, доира, ноғора, ва урма зарбли каби турли мусиқа чолғулари кенг қўлланилган. Халқ рақслари аслида қош ўйнаш, елка ўйини кабиларни ўз ичига олган. Улар қарсак жўрлигида ҳам ижро этилган.

Ўрта аср мусиқа ижрочилиги маданиятининг ўзига хос хусусиятидан бири шунда эдики, чолғучилар нафақат бир неча турдаги мусиқа асбобларини чала олган, балки ўзлари ҳам мусиқа басталаганлар. Чолғучилар ўз даврининг етук мусиқачилари ва шоирлари ҳам бўлишган, ўрта аср шароитида мусиқий ихтисослашув махсус мусиқий устахоналари пайдо бўлишга олиб келди. Бу ерда устоз-шогирд анъналари қарор топиб ривожланди. Айни пайтда мусиқа санъатининг асосий кўринишлари шаклланиши, чолғу асбобларининг янги намуналари кашф этилиши узоқ – узоқларга бориб тақалади.

Буюк Шарқ мутафаккирларининг мероси халқ чолғуларини ўрганиш соҳасида тарихий қимматга эга. Абу Наср Муҳаммад Фаробийнинг машҳур асари “Мусиқа хақида катта китоб” (“ Китоб ал – мусиқа ал – кабр”) улкан аҳамиятга эга. Ўрта аср олими бу китобда икки хил мусиқа ижрочилиги: оҳангни инсон овози (қўшиқ санъати) ва чолғулар воситаларида қайта тиклашга ажратади. Фаробий моҳир ижрочи сифатида

мусиқа чолғуларининг жамият ҳаётидаги ролини ўрганишга аҳамият берди ва “Жангу – жадалларда, рақсларда, тўй томошаларда, кўнгилочар базмларда ҳам қўшиқ куйлашда чалинадиган ўзига хос чолғулар бор”, деб ёзган эди.

Форобий шунингдек, найни ҳам таърифлайди. У турли хил дамли мусиқа чолғуларини овоз ҳосил қилиш усулига кўра найсимонлар гуруҳига киритади, яъни найда ҳавонинг дамли ҳаракати орқали товуш ҳосил бўлади. Улардан бири оддий най ёки бир йўналишда жойлашган кўп тешикли найлар, ҳозирги кунда ҳам Шарқ халқлари орасида мавжуд.

Инсон овози азалдан энг мукаммал чолғу ҳисобланган. Торли мизробли ёки торли-камонли мусиқа чолғулари ижрочилари ҳамиша ўзлари яратган куйлар оҳангини инсон овозига яқинлаштиришга, бунда ўзгача бир мусиқийликка эришишга, оҳангни таъсирлироқ, самаралироқ, равонроқ чиқаришга интилишган.

Ўша даврда Шарқнинг таниқли мутафаккири, уд чолғуси бўйича моҳир созанда ва бастакор Сафиуддин Урмавий мусиқа илми тизимини ривожлантиришга ўзининг улкан ҳиссасини қўшди. Урмавий уд чолғуси бўйича олиб борган ўз тажрибаларига таяниб, назарий қоидаларини ишлаб чиқди.

Дарвиш Али ўтмишдошлари сингари торли, мизробли чолғулар орасида тебраниш оҳангига кўра энг яхшиси саналган удни чолғулар “шоҳи” деб атади. Уднинг жуфт созланган ўн икки тори бўлган. У Фаробий давридаги дастлабки уддан бирмунча фарқ қилган. Дарвиш Алининг маълумотларига қараганда, олтинчи куйи тор (муфталиф) чолғусининг пастки диапазони (бас регистри) кенгайтирилган.

Рисолада ёзилишича, чанг чолғулар ҳомийси ҳисобланади. Таърифланган чангнинг етти мақом ижроси учун, йигирма олтинчи ижроси учун, йигирма олти тори ва етти пардаси бўлган. Най қадимий чолғуларнинг бири сифатида тилга олинади. Булардин ташқари, рисолада қонун, рубоб, қобиз, ғижжак, мусикор, энбоннай (дамли, чармли), Хитойда

тарқалган рухаваз (олти тордан иборат нохунли) каби чолғулар ҳам тилга олинган.

Ғижжак чолғучи Шоҳ кулий – Ғижжакий шу мусиқа асбобида ажойиб ижрочилик маҳоратини кўрсатган ва чолғу куйларини яратган уста санъаткор бўлган, унинг яратган куйлари халқ орасида кенг тарқалган.

Нажмиддин Кавкабий ва Дарвиш Али рисолаларида ўн икки мақом (Раховий, Ҳусайний, Зангула, Бузрук) асосида мусиқа асарлари яратган бастакорлар номи тилга олинади.

Ижрочиликда етук бўлган Мавлоно Шахсий Тебес - Гилексий ибн Абдураҳмоний - Румий (руд), Устод Зайтуний – Ғижжакий, Хўжа Махмудбек Исоҳкий Шехиний (дутор) Сайид Аҳмад – бин Меҳтарий Музаккий, Устод Қурбон Саъдий, Устод Поёнда (сурнай ва ноғора), Устод – Амир – Кулий Танбурий (танбур), Шайх Аҳмадий Қобизий (қобиз) мусиқа назариясининг катта билимдони, ўз даври мусиқа санъати вакилларининг илғори Амир Мастий Ҳиротий (қобиз), Юсуф Мавлудний дутори Ҳиротий (дутор), Устод Гулокий Найи Устод Абдусаттор – Қонуний, Ҳофиз Бобой Қонуний, Ҳофиз Турдий Қунуний ва бошқа халқ чолғу ижрочилари муҳим ўрин тутганлар.

Дарвиш Али ўша замоннинг буюк халқ чолғучилари ижро этган кўп қисмли, туркум мусиқий асарлар – мақомларнинг катта аҳамияти ҳақида сўз юритган. Ўрта аср Шарқ олимларининг асарларида мусиқий чолғулар, улар яратган маънавий ва маданий муҳит ҳақида тарихий маълумотлар етарли баён қилинган, аммо уларда у ёки бу халқ чолғуларининг имкониятлари ҳақида маълумот жуда оз. Рисолаларда таъкидланишича, ижрочилар айнан ўзига хос ижрочилик амалиёти асосида мусиқа назариясини ишлаб чиқишган ва чолғуларнинг мавжуд шаклларини таърифлашган.

## 1-боб юзасидан мустақил таълим бўйича саволлар ва топшириқлар

1.Мусиқа ижрочилиги санъатининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ҳақида баён этинг?

2.Миллий чолғу ижрочилиги ҳақида гапириб беринг?

3. Миллий чолғу ижрочилиги ўзлаштиришда қандай талаблар мавжуд?

4.Мусиқа чолғуси фани машғулотлари қандай шаклда ташкил этилади?

5.Репертуар танлашда нималарга эътибор берилади?

6.Чолғу ижрочилигини ўзлаштиришда қайси тамойилга амал қилинади?

7.Созанда қандай билим ва касбий кўникмаларга эга бўлиши лозим?

## 2-боб. Қашқар рубоби тарихи

Ўзбек мусиқа санъати жуда бой ва ранг–барангдир. У қадимдан авлоддан–авлодга оғзаки тарзда устоз ва шогирд анъаналари орқали ўтиб, ўзбек халқининг бой мусиқа маданиятида салмоқли ўрин тутади. Тасвирий саньат ёдгорликлари чолғу созларнинг қадим замонданоқ вужудга келиб халқ орасида кенг тарқалганидан дарак беради. Ўрта аср ва ундан кейинги даврда яратилган мусиқа чолғу созларнинг ва уларда ижро этиладиган мусиқий асарлари ҳақида анчагина маълумот бор. Бу чолғунинг келиб чиқиш тарихи тўғрисида турли манбаларда турлича маълумотлар келтирилган. Жумладан, Ал-Фаробий (Х аср) ўз даврининг мусиқа асбобларини тавсифлар экан, рубобда бир-биридан фарқ қиладиган ижрога эришиш мумкинлигини унинг афзалликларидан бири деб ҳисоблайди. Дарвеш Али (XVIII аср) “Мусиқа ҳақида рисола” асарида мусиқа асбобларининг тузилишини баён қилар экан, “Рубоб торли мусиқа асбоби. Ўрта Осиёда Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ (1200-1220 йиллар) даврида тарқалди. Шу даврда Хоразмшоҳ саройида тенги йўқ рубоб чалувчи уста Маҳмуд яшар эди. Рубобда бешта тор бўлиб, улардан тўрттаси ипакдан ва биттаси кумушдан эди”,- деб ёзади.

Мамлакатимиз жойлашган ҳудуд Буюк Ипак Йўлининг чорраҳасига тўғри келганлиги бу ерда турли маданиятлар ва санъатлар қоришувини таъминлаган. Ушбу ҳудудда мусиқа маданиятимизнинг ажралмас қисми бўлган чолғу

ижрочилигининг ҳам ривожланганлигини, жаҳон мусиқа маданиятида жуда кенг қўлланилаётган замонавий чолғуларнинг жуда кўп қисми биз яшаб турган ҳудуддан тарқалиб, кейинчалик бошқа халқлар томонидан янада такомиллаштирилиб, уларнинг асосий мусиқа чолғуларига айланганлигини исботловчи далиллар бор.

Ҳар бир халқнинг ўзига хос оммабоп ва севимли мусиқа чолғулари бўлади ва бу чолғулар мазкур халқнинг менталитетига хос оҳангларни ифодалай олганлиги учун бошқа чолғуларга қараганда кўпроқ ўрганилади. “Қашқар рубобининг асли келиб чиқиши Шарқий Туркистон (ҳозирги Хитойнинг Уйғур автоном округи) нинг Қашқар деган жойи номи билан боғлиқ бўлса-да, ўзбек миллий чолғулари ичида энг кенг тарқалган ва оммалашган чолғу ҳисобланади. Ҳозирда у бизнинг севимли чолғуларимиздан бири, унинг такомиллаштирилиши ва ижро услубларининг бойитилиши натижасида халқимизнинг эътиборига сазовор бўлди, мусиқа маданиятимизда ўзбек халқининг энг оммабоп чолғуларидан бирига айланди.

Мусиқани эндигина ўзлаштираётганларнинг кўпчилиги шу чолғудан фойдаланиши маълум. Қашқар рубоби жуда жарангдор ва ёқимли садога эга бўлиб, нисбатан тез ўзлаштирилиши мумкин бўлган чолғулар қаторига киради”[3].

Мусиқа чолғуларининг оммалашувида алоҳида созандаларнинг ҳам хизматлари бўлади. Қашқар рубобининг оммалашувида Муҳаммаджон ва Шавкат Мирзаевлар, Феоктист Васильев, Эргаш Шукруллаев, Ари Бобохонов, Сулаймон Тахалов, Ориф Атоев, Қобил Усмонов, Тоҳир Ражабий каби бир қатор чолғучиларнинг ўзига хос ўрни бор.

Қашқар рубоби ўзининг узоқ тарихи давомида шаклан ўзгаришларга учраганлиги табиийдир. Бу ўзгаришлар эса рубобни ўргатиш жараёнига ҳам маълум даражада таъсир қилган. Бу ҳолатлар умуман анъаналарни, шунингдек ўргатишдан кейинги даврларда пайдо бўлаётган услуб, қоидалар ва шаклларни тадқиқ қилиш вазифасини олдинга суради.

[3] А. Лутфуллаев. Халқ чолғуларида ўқитиш услубиёти. Т.: 2005.

Қашқар рубобида чалишни ўрганишни астойдил ният қилган шогирдга чолғу сирларини ўзлаштиришда негиз ҳисобланмиш мукаммал қоидалар мажмуаси мавжуд. Аввало, қашқар рубоби созида чалишга иштиёқ-ҳавас уйғонган, чолғунинг товуш қирраларини ўзича илғайдиган, яъни бошқача қилиб айтганда «нишона» кўрсатган қобилиятли болани ёки ўспиринни илгарилари отаси ёки яқин қариндоши устоз олдига етаклаб олиб борган. Устозга уларнинг келиш мақсади аён бўлгач, бўлғуси шогирднинг жисмоний камолотини ҳисобга олади, қайси куйлар ва санъат асарлари билан таниш эканлигини суриштиради. Устоз ўзаро суҳбатдан сўнг боланинг қобилиятини синаш мақсадида унинг рубоб пардаларини босиш орқали дастлабки товушларни ҳосил қилишини кузатади. Шундан кейин устоз боланинг шогирдликка лойиқ эканлигини билдиради. Устознинг маънавий оламига ошно бўлиб, маънавий-маърифий ва санъат соҳасига доир барча нозик диди ва фазилатларини тадрижий равишда ўзига сингдира боради. Шу йўсинда шогирд ўзининг мусиқий-нафосат оламини шакллантиради. Устозлар шогирдлари билан дастлабки учрашувларда рубоб чолғу созидаги ижрочилик имкониятлари, чолғулар орасидаги ўрни, аҳамияти, ўзининг устозлари ҳақида маълумотлар берган. Сўнгра машғулотлар вақти ва тартибини белгилаганлар.

Қашқар рубоби ҳозирги кунда бошланғич, ўрта махсус ва олий мусиқий таълимда ўрганилмоқда. Унда ижро этиладиган асарларнинг ҳам кўлами тобора ортиб, махсус ёзилган асарлар ҳам чолғучиларнинг репертуаридан жой олмоқда. Шу билан бир қаторда, қашқар рубобида ижро этувчилар сонининг янада ортиб бориши, янгидан-янги қўлланмалар ва тўпламлар чоп этилишини тақозо этмоқда.

## Қашқар рубобининг тузилиши

**ҚАШҚАР РУБОБИ** - рубоб жуда қадимий чолғу ҳисобланади. Ўша давр рубоблари ҳозирги биз қўллаётган қашқар рубоби кўринишидан кескин фарқ қилган, лекин негизи бир-бири билан боғлиқдир. Қашқар рубоби торли чолғу мусиқа асбоби, медиатор билан чертиб чалинади. Ўрта асрдан бошлаб Шарқ (Эрон, Афғонистон, Ўрта Осиё) халқларида кенг тарқалган. Қашқар рубобининг узунлиги 80-100 см, чўмичсимон косаси тут ва бошқа қаттиқ дарахт ғўлачаларидан ўйиб ясалади ва устига тери қопланади. Дастаси узун, учи орқасига қайрилган бўлиб, косадан бошланадиган жойида қўчқор шохига ўхшаш 2 та гажаги мавжуд. Дастасидаги пардалари (19 тадан 24 тагача, олдин ичакдан, ҳозир металлдан қилинади.) хроматик товуш қаторни ташкил қилади. Қашқар рубобининг торлари, одатда, кварта-квинта оралиғида созланади. Диапозони 3 октавага яқин. Товуши жарангдор.



1. Қулоқлар.
2. Қашқар рубобининг бош қисми.
3. Шайтон харрак.
4. Пардалар.
5. Даста.
6. Тери.

7. Биринчи тор.

8. Иккинчи тор.

9. Учинчи тор.

10. Харрак.

11. Илмоқлар.

12. Коса.

**Медиатор** (Мезроб)

Қашқар рубоби торларини чертиб овоз чиқариш учун ибонит каби материаллардан медиатор (мезроб) ишлатилади. Медиатор ўнг қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоғи билан қаттиқ сиқмасдан ушланади, бармоқлар кафтга тегмаслиги керак.





Қашқар рубобини чалишни ўрганишга киришган кишига рубобни пластмассадан ясалган медиатор билан чалиш тавсия этилади, чунки бундай медиатор билан чалганда хам товуш силлиқ ва майин эшитилади. Кейинчалик ибонитдан ясалган медиатор билан ижро этилади, бу медиатор билан товушни кучли ёки кучсиз чиқариш мумкин. Ибонитдан ясалган медиаторнинг бўйи 1,5 – 2 см эни 4 - 5 мм , қалинлиги эса 0,8 – 1 мм

бўлади. Медиаторнинг бир учи қиррали ва силлиқ бўлиши керак. Товушларнинг текис ва ёқимли чиқиши учун медиаторни чархлаш, силлиқлаш керак. Қашқар рубоби торларини медиатор билан чертганда ўнг қўлнинг фақат панжа қисми ҳаракат қилиши лозим. Медиаторни юқоридан пастга ёки пастдан юқорига чертганда товуш бир хил текис ва силлиқ чиқишина эришиш лозим. Қашқар рубобини чалишни ўрганишдаги дастлабки машғулотларданоқ фақат керакли торларнигина чертиб, тиниқ ва аниқ товуш чиқаришга ҳаракат қилиш лозим. Медиаторни ушлаб турган ўнг қўл рубоб харрагидан 4-6 см узоқликда бўлиши лозим, чунки медиаторни харракка яқин тутиб чертилса, рубобнинг товуши бўғиқ, ёқимсиз чиқади.



**Қашқар рубобни тўғри ушлаш ва ижро этиш йўллари**


.

Қашқар рубобини чалишга киришишдан олдин уни тўғри ушлашни ўрганиш керак . Бунинг учун қуйидаги кўрсатмаларга амал қилиш лозим:

Рубоб косасини кўкракдан сал пастроқда, ўнг қўлнинг билаги орасида қаттиқ сиқмасдан ушлаш керак.

Рубоб дастасини чап қўлнинг бош ва биринчи бармоғи орасида эркин тутиш лозим.



Рубоб дастаси ушланган пайтда қўлнинг бош бармоғи иккинчи бармоқнинг рўпарасида туриши шарт. Акс холда учинчи ва тўртинчи бармоқларнинг пардалари босиши қийинлашади. Рубобда куй ижро қилинганда бармоқлар пардадан узоқлашмаслиги зарур. Бармоқлар баланд кўтарилса, тез темпли мусиқа асарларини ижро қилиш қийин бўлади. Рубоб ўрганишдаги дастлабки машғулотларда қўллар тез чарчаб қолиши мумкин. Бундай ҳолда қўлларни пастга тушириб, уларга бироз дам бериш керак агар бу қоидага риоя қилинса, кейинчалик ижрочининг қўллари чарчамайдиган бўлади.



Рубобда якка ижро этганда тик туриш ва гавдани тўғри тутиш лозим. Рубобнинг қулоқлар ўрнатилган қисми ижрочининг елкаси билан баробар туриши керак. Ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрида, ансамблда ўтириб ижро этилади. Бу вақтда ижрочи стулга суянмасдан ўтириши ва унинг чап оёғи бир оз олдинда туриши шарт.

**Қашқар рубобини созлаш**

Қашқар рубоби ижрочилигида соз жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, ижро этилаётган асарнинг сифатли эшитилиши, ижрочининг маҳорати, эшитиш қобилияти, мусиқанинг ритмини ҳис қилиши талаб этилади.

Рубобнинг биринчи жуфт тори ЛЯ товушига мослаб созланади.

Рубобнинг иккинчи жуфт торини МИ товушига созлаш учун бу торлар биринчи жуфт торларнинг еттинчи пардасига октава ҳолида мосланиши керак бўлади.

Рубобнинг учинчи тори икки хил созланади:

1. Кварта (4) га созламоқчи бўлсангиз, СИ нотасига созлаш керак. Бунда иккинчи торни биринчи торга қандай мосланган бўлса, учинчи торни ҳам иккинчи торга шундай мослаб созланади.

2. Учинчи торни квинта (5) га созламоқчи бўлсангиз, у ҳолда уни ЛЯ нотасига созлаш керак, яъни биринчи жуфт торнинг жарангига бир октава паст қилиб созлаш керак бўлади.

## Қашқар рубоби ижрочилигига хос зарблар

Қашқар рубоби ижрочилигида медиатор билан пастга ва юқорига уриладиган зарблар ёрдамида товуш ҳосил қилинади.

Бу зарбларни турли хил усулларидан фойдаланиш мумкин, улар қуйидаги номлар билан аталади:

**Якка зарб** - товуш ҳосил қилишнинг энг оддий усули бўлиб, рубоб торларини пастга ёки юқорига зарб бериш билан амалга оширилади. Якка зарб қўлни юқоридан пасга ҳаракатлантириб зарб бериш усули билан бажарилади, бу ҳолда нота устига (п) белгиси қўйилади. Худди шундай пастдан юқорига қарата зарб бериб товуш ҳосил қилиниши (v) белгиси билан белгиланади. Бу усуллардан асосан ўргатишнинг дастлабки босқичида фойдаланилади.

Мисол :1.



**Қўш зарб** - пастки ва юқори зарбларни бирин-кетин, бир текисда уриб чалинишига айтилади.

Мисол:2.



**Билак зарб -** Ўнг қўл панжасининг барча торлар бўйлаб юқоридан пастга йўналтирилган сирғанма ҳаракати билан мазкур ижро усули амалга оширилади. Билак зарб усулини ижро этишда медитор билан барча торларда бир текисда ижро этилади.

Бу белги нота олдида тўлқинсимон тик чизиқ билан белгиланади.

Рубоб чолғусини уч хил созланишини ҳисобга олиб, мазкур созларда билак зарб усулини қўлланишини нота мисоллари ёрдамида келтирамиз.

Мисол:3.



**Тремоло (**рез**)** – рубоб торларида медиаторни пастга ҳамда юқорига жуда тез ва кетма-кет алмашувидан иборат бўлиб, товушларни бир-бирига боғлаб (узлуксиз) ижро этиш усулидир. Тремоло рубоб ижросининг асосий усулларидан ҳисобланиб, у оҳангдор ва мунгли характердаги асарларда фойдаланилади.

Мисол:4.



**Тескари зарб -** ўзига хос «синкопа»ли ритм характерига эга. У медиатор билан бир томон (паст)га зарб беришнинг иккинчи чорагига қатъий риоя қилиш ва бир йўналишдаги зарбларнинг охирги чорагининг саккиздан учини бирлаштирилиши натижасида ҳосил бўлади. Яъни 1,3,4,6,7,- зарблар пастга, 2,5,8- зарблар юқорига қаратиб берилади. Бу ўринда қўш зарбнинг жойи (нохун билан пастга ва юқорига бўлган бир текис харакат) ўзгаради ва 1,4,7- товушлар урғу билан ижро этилади. Урғу зарблар устидаги «>» белгиси билан белгиланади. Мисол:5.



**Уфори зарб -** ўзбек халқ ялла ва рақс куйлари учун характерлидир. Мумтоз мусиқа амалиётида уфорилар икки хил, яъни 6\8 ва 3\4 ўлчовларида нотага ёзилади. Куйларни нотага ёзишида 6\8 ўлчовидаги уфорилар кўпроқ бўлиб, улар шўхчан ва рақсга чорловчи характерга эга. Уфори зарбининг 6\8 ўлчовига молик намуналар икки хил ижро этилади. Бу усулларни бир-биридан фарқлаб олишимизда нота устига ёзилган белгилар ёрдам беради. Бу белги қуйидагича (v) белгиланади.

Мисол:6.



**Трель -** асосий товушнинг кейинги товуш билан алмашиб туриш натажасида пайдо бўлган товуш бидратма товуш дейилади.

М

исо

л:7



**Форшлаг** – куйнинг асосий товушидан олдин келадиган, қисқа чертиб ўтиладиган товушга айтилади.

Мисол:8



**2-боб юзасидан мустақил таълим бўйича саволлар ва топшириқлар**

1.Миллий чолғу ижрочилигининг тарихи ҳақида.

2. Ўрта Осиёда X-XII асрларда яшаб ижод қилган олимларнинг фикрлари.

3.Қашқар рубобининг мусиқа чолғуси сифатида ўз имкониятлари.

4.Қашқар рубобининг қадимийлиги тўғрисида.

5.Қашқар рубобининг тузилиши.

6.Қашқар рубобининг Ўзбекистонда кенг тарқалишига М. Мирзаевнинг қўшган ҳиссаси.

7.Қашқар рубоби ижрочилигида зарблар.

## 3-боб. АСАРЛАРГА ҚИСҚАЧА ШАРҲ

**Қалабанди** – Хоразм халқ куйи бўлиб[4], куй до мажорда ёзилган. Қашқар рубобига мослаб ҳамда созандага ижро имконияти қулай бўлиши ҳисобга олиниб, соль мажор тоналлигига транцпозиция қилинди. Қалабанди куйининг I-қисми такт ўлчови 2/4 бўлиб, ўртача тезликда ижро этилади. Асарда (аппликатура) чолғу пардаларига бармоқларни тўғри жойлашуви, матндаги чоракталик ноталарни кўрсатилган белгиларга қараб ижро этиш керак. Динамик белгиларга эътибор бериб ижро этиш зарур.

### Qalabandi




[4] Ўзбек халқ мусиқаси. VII том. 430 -бет

**Қалабанди II** – Хоразм халқ куйи[5], куй до мажорда ёзилган бўлиб, соль мажор тоналлигига транцпозиция қилинди. Қалабанди II куйи такт ўлчови 2/4 бўлиб, ўртача тезликда ижро этилади. Куй қашқар рубобида жарангдор эшитилади. Созанда куйни ижро этиш давомида такт ва синкопалар саналишига  эътиборини қаратиши керак бўлади. Динамик белгиларга ҳам эътибор бериб ижро этиш зарур.




[5] Ўзбек халқ мусиқаси. VII том. 431 -бет

**Қалабанди III** – Хоразм халқ куйи[6], куй до мажорда ёзилган бўлиб, соль мажор тоналлигига транцпозиция қилинди. Қалабанди III куйи такт ўлчови 2/4 бўлиб, ўртача тезликда ижро этилади. Асарни ижро этиш давомида бармоқларни (аппликатура) чолғу пардаларига тўғри қўйиб, такт саноғи, динамик белгиларга созанда куй давомида эътибор бериши лозим.

## Qalabadi III

Allegretto

Xalq kyui



[6] Ўзбек халқ мусиқаси. VII том. 432 -бет

**Уфори-қалабанди -** Хоразм халқ куйи[7], куй ля минор тоналлигида ёзилган бўлиб, қашқар рубобига мослаб соль мажор тоналлигига транспозиция қилинди. Уфори-қалабанди куйи такт ўлчови 6/8 бўлиб, тезроқ ижро этилади. Нуқтали ноталарни ўзлаштиришда, билим ва кўникмалар ҳосил қилишга ёрдам беради. Асар қашқар рубобига мослиги, жарандорлиги ҳисобга олиб, ижрода юқори маҳорат талаб қилинади. Штрихлар (зарблар)га эътибор бериб, триол устида ишлаш лозим.




[7] Ўзбек халқ мусиқаси. VII том. 433 -бет

2



**Уфор** - Хоразм халқ куйи[8], Уфор куйи ля минорда ёзилган бўлиб, асар қашқар рубоби учун мослаштирилган. Такт ўлчови 6/8 бўлиб, тезроқ, енгил ижро қилинади. Бунда асосан штрихлар (зарблар) ўзгариб туради. Бу албатта ижрочининг ўнг қўл маҳорати, резнинг майинлиги, ўнг қўл ҳаракати чап қўл ҳаракатига мос келиши мақсадга мувофиқ. Асар уфори зарбни ўзлаштиришга ёрдам беради.




[8] Ўзбек халқ мусиқаси. VII том. 448 -бет.

**Қайдадур билмам нигорим -** Хоразм халқ қўшиғи бўлиб, асар номи қўшиқнинг шеър матнидан олинган[9]. **“**Қайдадур билмам нигорим” куйи ля минорда ёзилган, такт ўлчови 6/8 бўлиб, ўртача тезликда, енгил ижро этилади. Асар қашқар рубобига мосланиб, динамик белгилар, куй ритми, штрихлар (зарблар)га эътибор бериб ижро этилади.

